



САВОЛ: Баъзилар вакцинанинг таркибида ҳаром нарсалар борлигини айтмоқда. Шундай вакцинадан фойдаланиш мумкинми?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

Баъзи кишиларнинг вакцина таркибида ҳаром маҳсулотлар борлиги ҳақидаги гаплари ҳеч қандай илмий далиллар билан исботланмаган. Маъодо вакцина таркибида ўшандай кўшимчалар бўлган тақдирда ҳам, у моддалар кимёвий реакциялар натижасида ўз аслини бутунлай йўқотган бўлса, унинг ҳаромлиги қолмайди ва ундан фойдаланиш жоиз бўлади. Буни шариатимизда истиҳола (яъни, бир моддани бутунлай таркиби ўзгариб, бошқа нарсага айланиб кетиши) дейилади. Шу қоидага биноан, дорилар таркибида ўз асли – ҳаромлигини йўқотган моддалар бўлса-да, улардан фойдаланиш мумкин.

Колаверса, Мисрдаги "Дорул-ифто" фатво уюшмаси, Бирлашган Араб Амирликларидаги Исломий ишлар идорасининг Шаръий фатво кенгаши ва дунёдаги бошқа йирик фатво хайъатлари коронавирусга карши вакциналарда харом ҳукмидаги маҳсулотлар қўшилган бўлса ҳам истихола коидасига биноан мусулмонлар учун эмланиш жоиз бўлиши хақида фатво чиқарганлар. Валлоху аълам.

[Ўзбекистон мусулмонлари идораси](#)
[Фатво хайъати.](#)